



SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI! O'ZBEKISTON O'VOZI

2016-yil, 16-iyun. Payshanba 71 (32.130)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

ЎЗХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Мустақиллик — энг катта бахт, олий саодат

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида ўтказилган семинарда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда партия ташкилотлари иштироки бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

— Партиямиз ташкилотлари ва барча даражадаги депутатлик бирлашмалари халқимиз учун энг улуғ, энг азиз байрамни кўтаринки руҳда ўтказишда ҳар жиҳатдан муносиб иштирок этиши зарур, — деди ЎЗХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция раҳбари Хотамжон Кетмонов. — Бунда Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли — «Ўзбек модели»нинг мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танлангани, ўтган йиллар давомида бу йўл юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятимиз ҳаётида синовдан ўтиб, амалда ўзини оқлагани аҳоли ўртасида ўтказиладиган тарғибот

этибор қаратадиган бўлсак, унда энг аввало, шу заминда яшаётган инсонларнинг кайфияти, бугунги ҳаётдан розилигини, эртанги кунга ишончини, барча соҳаларда амалга ошираётган кенг қўлмал ишларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини ҳамкорликчиликка чуқур тушунириш ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш мақсади мужассам эканлигини кўраимиз.

«Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» деган бош ғояга бу гўзаллик ва бетакрорлик қанча меҳнат ва машаққат эвазига келганлиги, Ўзбекистон барчамиз учун чин маънодаги муқаддас ватанга, жонни фидо қилишга муносиб жаннат

«ЎЗБЕКISTON O'VOZI» ГАЗЕТАСИ ФОТО КЎРГАЗМАСИ



АНДИЖОН: БУГУН ВА КЕЧА

ХАЛҚИМИЗ ОДАТДА КУТИЛМАГАН Ё ХАЁЛГА КЕЛМАГАН ВОҚЕА-ҲОДИСАГА, ЯНГИЛИК Ё ЎЗГАРИШГА ДУЧ КЕЛГАНДА, ЎЗ ҲАЙРАТИНИ «ТАЪРИФИГА СЎЗ ЙЎҚ» ИБОРАСИ БИЛАН ИФОДАЛАЙДИ.

Мана шу иборани бугунги Андижон шаҳри ва вилоятига нисбатан ҳам ҳеч иккиланмасдан ишлатсак, хато бўлмайди.

Кечаги Андижон шаҳри эса асосий кўчалари олд тарафига икки, нари борса уч қаватли иморатлар тизилган, орқаси эса қадимий ҳовли-жойлар ва эгри-бугри кўчалардан иборат маскан — вилоят маркази эди. Бошқа шаҳар

ва туманларнинг қиёфаси ҳақида гапириб ўтирмасам ҳам бўлади.

Бугунги Андижон шаҳри халқимизнинг меъморчилик, шаҳарсозлик, уйсозликдаги қадимий анъаналарини замонавий андозалар билан уйғунлаштирган бениҳоя кўркем ва сарбаланд бир мўъжизадир.

► Давоми 4-бетда.



«Ўзбекистон» кўчасининг бугунги ва кечаги кўриниши.



ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ яратилмоқда

Жорий йилнинг январь-май ойларида вилоятда 32 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди. Бу ҳақда Қашқадарё вилояти меҳнат бош бошқармаси томонидан ташкил этилган брифингда маълум қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 3 декабрдаги «2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят бўйича 10 минг 684 корхонада 89 минг 24 янги иш ўрни яратилиши белгиланган.

«Қашқадарё» газетаси сайтида ёзилишича, мақсадли дастурларга мувофиқ ташкил этиладиган иш ўринлари 33 минг 957 тани ташкил қилади.

Бундан ташқари, тижорат банкларининг кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш учун ажратилган кредит маблағлари ҳисобига 10 минг 238, яқин тартибда тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 14 минг 890, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига 8 минг 583, уй меҳнатини йўлга қўйиш ҳисобига 21 минг 356 иш ўрни яратиш белгиланган.

Январь-май ойларида дастур кўрсаткичи 100,9 фоизга бажарилган.

«УРГАНЧ» ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ икки қарра ғолиб

«Урганч» халқаро аэропорти «МДХ мамлакатларида йилнинг энг яхши аэропорти» нуфузли танлови ғолибига айланди, деб хабар беради «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси матбуот хизмати.

«Аэропорт» фуқаролик авиацияси ассоциацияси ташкил қилган танловда «Урганч» халқаро аэропорти иккита — «2015 йилда МДХга аъзо мамлакатларнинг энг яхши аэропорти» ва «Сайёҳлик соҳасига кўшган катта ҳиссаси» номинациялари ғолиби бўлди.

14 июнь кун «Аэропорт» ассоциацияси бош директори Виктор Горбачёв ғолибларга тантанали вазиятда Фахрий ёрликлар ва Ассоциация кубогини топширди.

Таъкидланишича, ушбу танловда Ўзбекистон ҳаво бандаргоҳлари кўп бора ғолиб бўлган. Чунинчи, «Бухоро» халқаро аэропорти саккиз марта, «Самарқанд» ўн бир марта, «Урганч» уч марта ғолибликни кўлга киритган.

ПЕРИНАТАЛ МАРКАЗ

фаолияти таҳлил қилинди

Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг жорий йил иш режасига асосан, Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва вилоят перинатал маркази фаолияти таҳлил қилинди. Бу ҳақда «Дўстлик байроғи» газетаси сайтида маълумот келтирилган.

Ўрганиш жараёнида аниқланишича, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури бўйича тегишли чора-тадбирлар режаси тасдиқланган бўлиб, унинг ижроси юзасидан бир қатор ижобий ишлар қилинган. Жумладан, тиббиёт бирлашмасида ногирон, кам таъминланган оилаларга 10 турдаги дори-дармон, санитария-гигиена воситалари бепул берилган.

Энг муҳими, марказ замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланганлиги туфайли яшаб кетиш имконияти чекланган қақлоқларни сақлаб қолишга эришилмоқда.



ишлари, жонли суҳбатларнинг асосий йўналиши бўлиши лозим.

Зеро, бунинг амалий ишбодини мамлакатимизнинг қудрати ва иқтисодий салоҳияти тобора ортиб, янги ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охириги 11 йил давомида жаҳондаги санокли давлатлар қаторида 8 ғойадан кам бўлмасдан келаётганида, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётганида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёд ошгани ҳам кенг қўлмал иқтисодий ислохотларимизнинг амалий самарасидир.

Президентимиз қарорининг мазмун-моҳиятига

мақон юртга айланганлиги нуктаи назардан қарасак, бу — ҳар биримизнинг, бутун халқимизнинг қалбидеги хоҳиш-истакнинг ифодаси бўлди, десак тўғри бўлади.

Шунингдек, қарорда таъкидланган асосий, маънавий маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот ташвиқот ишлари дастурийнинг йўналишлари белгилаб берилган экан, бунда ислохотларнинг фақатгина мазмунини тушунириш эмас, балки тўб моҳияти ва халқимиз ҳаётидаги аҳамиятини кенг маънода очиб беришга алоҳида эътибор қаратилган. Демак, зиммамизда шунчаки тарғибот эмас, ислохотларимизнинг самарасини чуқур таҳлиллар, аниқ ва ҳаётий мисоллар билан асосида кенг жамоатчиликка етказиш вазифаси турибди.

► Давоми 2-бетда.

ФРАКЦИЯЛАРАРО БАҲС

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аҳолига етказишнинг

замонавий технологияларини қўллаш — давр талаби

«Миллий тикланиш» газетасининг 2016 йил 15 июнь сонидеги «Қонун лойиҳаси такомиллаштиришни талаб этмоқда» сарлавҳали мақолада Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Миллий тикланиш» ДП фракцияси аъзолари ЎЗХДП фракцияси депутатлари иштирокида тайёрланган лойиҳага ўз танқидий муносабатларини билдиришган.

Маълумки, ушбу лойиҳага мувофиқ, www.lex.uz сайтида жойлашган «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»ни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинишининг расмий манбаси сифатида белгилаш тақлиф этилмоқда.

«Миллий тикланиш» ДП фракцияси аъзоларининг фикрича, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни босма нашрларда чоп этмасдан туриб, «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилишга йўл қўймаслик даркор. Шунингдек, қонуннинг қучга кириш муддатини ҳам 12 ойдан 6 ойга қисқартириш лозим деган тақлиф билдирилган.

Ушбу позицияга ўз муносабатимизни билдирар эканмиз, қуйидагиларни таъкидлашни ўринли деб ҳисоблаймиз.

Аввало, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг расмий эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шarti эканлиги тўғрисидаги қарорат Республикаимиз Конституцияси ҳамда «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунда белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунга асосан расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч қандай ҳуқуқ қилиниши, жазо-ғарз тортлиши, мол-мулкдан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Бугунги кунда, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий нашрларда эълон қилиш орқали аҳоли эътиборига етказиб бериш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, қабул қилинаётган қонунлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами» ва «Халқ сўзи» газетасида доимий эълон қилиниб борилмоқда.

Бироқ бу ишларни етарли, деб бўлмайди. Чунки ушбу нашрларнинг адади аҳоли талабини тўла қоплай

олмайди. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси» ҳар ойда 672 нусхада чоп этилаётган бўлса, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами» — 4 850 нусхада, «Халқ сўзи» газетаси эса бугунги кунда 113 800 дан ортиқ нусхада босилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аҳоли эътиборига етказишда расмий электрон-ҳуқуқий тизимлардан, бунда, айниқса, ҳозирда ривожланиб бораётган Интернет тармоғидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш долзарб масала бўлиб, ўзига хос ислохотни талаб қилади.

Халқаро тажрибани ўрганиш шуни кўрсатдики, АКШ, Франция, Буюк Британия, Италия, Жанубий Корея, Финляндия, Россия каби мамлакатларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни босма ва электрон кўринишларда расмий эълон қилиниши тенг юридик қучга эга. Бельгия, Дания, Австрия, Нидерландия, Испания, Португалияда эса норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фақатгина электрон манбаларда расмий эълон қилинади.

► Давоми 2-бетда.

ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАРИДА

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ МАЙ ОЙИДА ЎЗХДП
ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРИДАГИ
ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА 140
ГА ЯҚИН МУРОЖААТ КОММУНАЛ ХИЗМАТ
КЎРСАТИШ МАСАЛАСИДА БЎЛГАН.

ЎЗХДП УРГАНЧ ШАҲАР КЕНГАШИ «ТАРҒИБОТЧИ
МАҲАЛЛАДА» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА «ИЖТИМОИЙ
ХАВФЛИ ВА ЗАРАРЛИ ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШДА ОИЛА, МАКТАБ, МАҲАЛЛА ҲАМКОРЛИГИ»
МАВЗУСИДА БИР ҚАТОР УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗДИ.

БАЛИҚЧИ ТУМАН ПАРТИЯ
КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ТУМАНДАГИ
МАҲАЛЛАЛАРДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ
СОҒЛОМЛАШТИРИШ ДОИРАСИДА
ТУРЛИ СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ
ТАШКИЛ ҚИЛИНМОҚДА.

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

■ Ўзбекистон ХДП ташкилотлари учун бугун энг муҳим вазифа мустақиллик қадри, имкониятлари ва неъматларини партия аъзолари, электорат вакиллари ўртасида кенг тарғиб қилишдан иборат.

Мустақиллик — энг катта бахт, олий саодат

Тарғибот тадбирларида имкон қадар электорат вакилларининг кенг қатламларини қамраб олиш, уларга, айниқса, мустақиллик йилларида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ниҳоятда муҳим масалалар.

Шунингдек, юртимизда байрам тантаналари арафасида фойдаланишга топширилган ишлаб чиқариш, ижтимоий-маданий объектларнинг очилиш маросимларида депутатлар ва фаолларимизнинг иштироки эътиборга олинади. Мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорликларга ўз муносабатини фаол билдириши бугунги муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, аҳоли орасида олиб борилган тарғибот ишларимизда, айниқса, ижтимоий соҳадаги ислохотларни ёрқин ва ҳаётий мисоллар орқали кенг очиб беришимиз лозим бўлади.

Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Мустақилликнинг илк кунларида — иқтисодий қийинчиликлар энг авжига чиққан бир пайтда «Кучли ижтимоий ҳимоя» сиёсати аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, яқка-ёлғиз кексалар, ногиронлар, кўп болали ва кам даромадли оилаларга моддий мадад бўлганлигини, уларнинг келажакда ишончли мустақамланганлигини барчамиз яхши биламиз.

Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш билан боғлиқ сиёсат изчил давом этирилгани боис, давлат бюджетининг социал соҳаларга йўналтирилган харажатлари йил сайин ошиб борибди. Биргина 2015 йилда ушбу рақам 60 фоиздан ортигани бу борадаги кенг қўллаб-қувватловнинг мангидир.

Булар электоратимиз учун ўта муҳим бўлган соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, кекса авлод вакиллари,

хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш каби эзгу ишларга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10-12 фоизни ташкил этмоқда. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегшли тавсияларидан, яъни 6-7 фоиздан қарийб 2 баробар кўпдир.

Жамиятимиз ҳаётини бутунлай ўзгартирган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш ва бошқа умуммиллий дастурларимизнинг самарали амалга оширилишида бунинг аҳамияти бекиёс.

Аҳоли орасида олиб борилган тарғибот ишларимизда ижтимоий соҳадаги ислохотларни ана шундай ёрқин ва ҳаётий мисоллар орқали очиб беришимиз лозим, деб ҳисоблайман.

Муҳаммад РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳридаги 44-оилавий поликлиника бош шифокори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати:

— Президентимиз қарориди 1990 йилда юртимиз аҳолисининг асосий озиқ-овқат товарлари, аввало дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда эса уларнинг 96 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётгани алоҳида таъкидланган.

Дарҳақиқат, бу мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашнинг мустақам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.



Сенатор ШОТЎЛАНОВ оғин сўзлаётганда.

Маълумот учун шунинг таъкидлашни истардимки, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши тўйиб овқатланма-япти, сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик муаммосини бошидан кечирмоқда.

Содда қилиб айтганда, дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши аҳоли сони ва эҳтиёжларининг ўсишидан ортда қолмоқда.

Ана шундай бир вазиятда Ўзбекистон 2015 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ҲАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун берилган мукофотига сазовор бўлган 14 давлатдан бири сифатида эътироф этилди.

Шундай экан, аҳоли орасидаги мулоқотларимизда, халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш борасида олиб борилаётган ишлар аҳоли саломатлигини мустақамлашда муҳим аҳамият касб этаётганини тушунтиришимиз керак. Шунингдек,

мустақилликдан олдин тиббиёт муассасалари қандай аҳволда бўлганини бугунги имкониятлар билан қиёслаб, ҳулосалар айтилса, ўйлайманки, тарғибот ишларимиз таъсирчанроқ бўлади.

Нодира ҒАҒУРОВА,
ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши Ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўйича сектор мудири:

— Президентимиз қарориди эртанги кунимизнинг таянчи ва суянчи бўлиши, янги, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, шу юртнинг ҳақиқий эгаси, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш авлод масаласига ҳам алоҳида ургу берилган.

Бунинг замирида биз, ёшларга бўлган катта ишонч ва эътибор мужассамлашганини ана бир бор нуқур ҳис этдик. Демакки, биз, ёшлар ана шу ишончга лойиқ бўлишимиз, билимли, фидойи, ватанпарвар йигит-қизлар ҳисобига партия-миз сафини кенгайтиришга эътибор қаратишимиз талаб этилади.

Мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича қилинаётган ишлар, яратилаётган имтиёзлар, бошқача айтганда, кўрсатилаётган ғамхўрлик ва

меҳр замирида биз, ёшларни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар бўлиб вояга етишимиздек, улғу мақсад этибди.

Бунинг натижасида бугун қайси соҳани олманг, ғайратли, шижоатли, истеъдодли ёшлар тобора кўпайиб бормоқда. Айниқса, бошқарув соҳаси, сиёсий майдондан ёшлар мустақам ўрин олаётгани сир эмас.

Буларнинг барчаси — мустақиллигимизнинг янада мустақамланишига, Бош мақсади-миз бўлган ривожланган демократик давлатлар қаторига киришга асос бўладиган муҳим мезонлардир.

Биз, мустақиллик тенгдошлари халқ тили билан айтганда, «тўқчилик» замонида яшамокдамиз. Бироқ бу тўқин-сочинлик айрим ёшларда боқимандалик, лоқайдлик кайфиятини келтириб чиқариши мумкин. Бунинг олдини олиш мақсадида тадбирларда кечаги ва бугунги ҳаётни таққослаб, мисоллар келтириш, уларда тинчлик ва осойишталик, фаровон ҳаётнинг қадрига етиш туйғусини кучайтириш лозим.

Психолог ва ёшлар иштирокида суҳбатлар ташкил этиш орқали уларнинг ишқин қобилиятларини рўёбга чиқаришга қаратилган ақшлар, тадбирларни ташкил этиш мақсадагу мувофиқ, деб ўйлайман.

Тадбирда, шунингдек, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов Президентимиз қарориди таъкидланганидек, истиқлолнинг ҳалқимиз тақдиридаги тарихий аҳамиятини кенг очиб бериш, бунда мустақиллик давридаги ҳуқуқсизликларни, бошимизга солинган қулфатларни мустақиллик берган имкониятлар билан таққослаб, ҳулосалар чиқариш лозимлигини таъкидлади. Айниқса, ўзимиз гувоҳи бўлган воқеалар орқали, масалан, қишлоғимиз, туманимиз, шаҳарларимизнинг кечаги аҳоли, бугунги қиёфаси мисолида кеча ким эдиғу бугун ким бўлганимизни ёшларга чуқурроқ аниқлаш зарурлигига эътибор қаратди.

«Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Муҳаммадjon Зуфаров Тошкент шаҳрининг истиқлолдан олдинги йиллардаги ҳолати, шаҳар аҳолисининг кечирган машаққатли кунлари, худудни газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш масалаларидаги қийинчиликлар ҳақида тўхталди. Шахсан Юрбошимиз Эски шаҳар аҳолисининг оғир турмуш шариоитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратгани, айниқса, мустақиллик йилларида Эски шаҳарда бекиёс бунёдкорликлар амалга оширилганини мисоллар асосида гапириб берди. Пойтахтимиз миқёсида бажарилган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари эса асрларга татигулик эканини қайд этди.

Тадбир сўнгида энг улғу, энг азиз байрамни муносиб қутиб олиш, истиқлолнинг ҳаётимиздаги ўрнини изчил тарғиб этишда барча даражадаги партия ташкилотларининг вазифалари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Президент Қарориди белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш бўйича билдирилган тақлиф ва тавсиялар асосида тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва маъқулланди.

Гулрух ОДАШБОВА,
Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

■ ЎзХДП
МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАРИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Беруний туман кенгаши томонидан «Тарғиботчи — маҳаллада» лойиҳаси доирасида Навоий муқобил машина трактор парк ҳудудий партия ташкилотиди давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда тарғибот гуруҳи аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳи аъзолари, партия фаоллари ва туман «Маҳалла» хайрия жамоат фонди мутасаддилари қатнашди.

Ишонччи оқлаш учун астойдил ишлаш лозим

— Йиғилиш давомида аҳоли билан очиқ мулоқот ташкил этилди, — дейди Ўзбекистон ХДП Беруний туман кенгаши ходими Наталья Дошанова. — Унда бандлик, тиббий ва коммунал хизматлар кўрсатиш, пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг манзиллигини ошириш, қонунлар ижроси устидан назоратни янада кучайтириш масалалари-га эътибор қаратилди.

Тадбирда халқ депутатлари Беруний туман Кенгаши депутати Сайёра Имамова, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими раиси Сабура Абдуллаевлар сўзга чиқилди.

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЁТ
Гояларга йўл йўқ

Бешариқда Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши томонидан шу мавзуда давра суҳбати ўтказилди.

— Ёшлар соғлом фикрли бўлса, уларга ҳеч қандай «оммавий маданият» ёки бошқа бузғунчи гоялар таъсир қила олмайди, — деди туман партия кенгаши раиси Бобомурод Муллажонов. — Партияимиз ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш каби вазифаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада турли сўровлар ўтказилиб, йигит-қизларнинг фикри ўрганилмоқда. Барча ҳудудий ташкилотларда форум ҳамда семинарлар доимий равишда ўтказил-ляпти. Ўйлайманки, олиб бораётган ҳаракатларимиз яхши самара беради.

Марузачилар томонидан ёшларга мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб, тақлил қилиб берилди.

Аброр ҚУРБОНОВ

■ ФРАКЦИЯЛАРАРО БАҲС

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аҳолига етказишнинг

замонавий технологияларини қўллаш — давр талаби

Статистик маълумотлар шунинг кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси республикамиз ҳудуди бўйича аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, давлат ташкилотлари орасида ҳуқуқий ахборотни тарқатувчи энг самарали механизм вазифасини ўтамоқда.

Адлия вазирлигининг олинган маълумотларга кўра, 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан фойдаланувчилар сони 300 мингдан иборат бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилда 4 миллионга етди. Мазкур тизимдан фойдаланувчилар сони бир кунда ўртача 12 мингга ташкил этмоқда.

Давлатимиз томонидан компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурларининг муваффақиятли амалга оширилаётганлиги натижасида мамлакатимизнинг нафақат вилоят марказлари, балки энг олис туман ва қишлоқлари аҳолиси ҳам Интернет орқали Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари

маълумотлари миллий базасидан фойдаланмоқда. Эндиликда улар янги қабул қилинаётган қонунлар, Президентимизнинг фармон, қарор ва фармойишларидан, Ҳукуматимизнинг қарорлари-дан ҳамда бошқа ҳужжатлардан, аниқроқ қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларидан on-line режимида ўз вақтида хабардор бўлишмоқда.

Шунга кўра, депутатлар гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»-ги Қонунига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матни эълон қилинади деган расмий манба мақомини беришни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилди.

Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манба мақомининг берилиши қатор қонун ости ҳужжатларига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳамда ташкилий-техник тадбирларни, хусусан, қонунлар ва бошқа норматив-

ҳуқуқий ҳужжатлар матни Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида расмий эълон қилишнинг тегишли техник талабларини ишлаб чиқиш, ушбу талаблар асосида тизимнинг дастурий таъминотини модернизация қилиш, ахборот хавфсизлиги талабларини қайта кўриб чиқиш ва уни янада кучайтириш, лицензияланган дастурий воситаларни олиш, ўрнатил ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш учун муайян вақт талаб этади.

Шу боис лойиҳада қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан 12 ой ўтгач, кучга кириши белгиланмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манба мақомини беришни келажакда расмий эълон қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнидаги хатolik ва камчиликларга йўл қўйилиши эҳтимоли борлигини инкор этиб бўлмайди.

Қайд этиш жоизки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилинганда ҳам, уларнинг матнида хато ва камчиликларга йўл қўйилиш

ҳоллари учрайди ва ушбу расмий нашрнинг кейинги сонида унга тузатишлар берилади.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг расмий эълон қилиниши тизимнинг алоҳида модулида амалга оширилиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган томонидан тақдим этилган матн аслича (Умумий бўлим муҳри қўйилган ҳолда), фақат электрон расм қўринишида, эълон қилинган сана кўрсатилган ҳолда жойлаштирилади.

Агарда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида хатolik ёки камчилик билан расмий эълон қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллаш оқибатида фойдаланувчи зарар етказилса, етказилган зарар ўрнини қоплаш фуқаролик қончилигида белгиланган тартибда айбдор томонидан қопланади.

Бундан ташқари, расмий эълон қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнидаги ноаниқликлар, у расмий эълон қилинган манбаларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ФОТО КЎРГАЗМАСИ

■ Бир сўз билан айтганда, Андижон вилоятида юз бераётган ўзгаришларнинг таърифига сўз ожиз. Минг эшитгандан кўра, бир марта бўлсада кўрган афзал.

Ўзбекистон мустақиллик ва мустабидлик йилларида

Кечаги Андижон аҳолиси бор умиди ерга тиккан, пахта яккахокимлигидан эзилган эди.

Бугунги Андижон эса нафақат миришкор деҳқонлар, мўл ҳосил усталари, соҳибкор боғбонлар дёри, балки миллий автосаноатимизнинг қудратли таянчидир. 1994 йил июнь ойида биринчи ғишт қўйилган автомобиль заводида 1996 йил март ойида илк автомобиль — «Damas», орадан уч ой ўтиб «Tico» ва «Nexia» ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Бугун эса «Matiz», «Spark», «Lasetti», «Cobalt», «Captive», «Malibu» сингари замонавий русумдаги автомашиналар нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам ўзининг харидорларини топиб, Асага шаҳрининг, Андижоннинг, Ўзбекистоннинг довуғини дунёга таратмоқда.

Андижон шаҳрининг Боғишамол даҳасида жойлашган Бобур номидаги

миллий истироҳат боғи бугунги кунда юртдошларимизнинг сеvimли масканига айланган. Боғнинг юқорисидо фаолият юритаётган «Ёшлар дунёси» илмий-маърифий марказида коинот сирлари ҳақида маълумот берувчи расадхона қуриб битказилди.

Қайтадан қурилган Истиқлол, Миллий тикланиш, Ўзбекистон кўчаларининг кўрки, жамоли меҳмонларни эмас, андижонликларнинг ўзини ҳам лол қолдираётгани муболага эмас. Энди эски шаҳарнинг номи қолаятти халос.

Бугун вилоятнинг шаҳарлари эмас, қишлоқларининг қиёфаси ҳам таниб бўлмас даражада ўзгарди. Истиқлол йилларида намунавий лойиҳалар асосида 6191 замонавий уй-жой қурилгани, шунча хонадоннинг ҳовли тўйларини нишонлагани ҳам таҳсинга лойиқдир.

Андижон шаҳрида шу йил Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида

фойдаланишга топширилган 300 ўринли муҳташам кўғирчоқ театри «Хайратлар саройи» деб эътироф этилмоқда. Ушбу театр замонавий шароитлари ва қулайлиги жиҳатидан мамлакатимиз кўғирчоқ театрлари орасида ягонадир.

Вилоятда сўнгги йилларда саноат соҳасида янги корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳисобидан 103 ишлаб чиқариш қуввати фойдаланишга топширилди. Ип-газлама, пайпоқ, тикув-трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш ўзлаштирилди. Озиқ-овқат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми ортди. Машинасозлик, кимё, чарм-пойабзал, фармацевтика йўналишларида ҳам истеъмол учун зарур турдаги маҳсулотлар тайёрлашга эришилди.

Тўғриси, Андижон вилоятида юз бераётган ўзгаришларнинг таърифига сўз ожиз. Минг эшитгандан кўра, бир марта бўлсада кўрган афзал.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

АНДИЖОН: БУГУН ВА КЕЧА



Андижон давлат университети биносининг янги ва аввалги кўриниши.



Вилоят театрининг бугунги кўрки ҳамда эски қиёфаси.



Андижон шаҳри аэропорти яқинидаги кўприк: ҳозирда ва ўтмишда.



Вилоят кўғирчоқ театри: бугун ва кеча.



Бугунги замонавий қишлоқ уйлари ва яқин ўтмишдаги қишлоқ уйлари...



ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбекино» миллий агентлиги, Бадий академия ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишланган «Энг улуг, энг азия» аънавий танловини эълон қилади.

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Танловга «Гўзал ва бетакорримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» деган бош ғояни ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади.

«Энг улуг, энг азия» танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

— ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
— босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
— телевидение ва радио

ижодкорларининг материаллари;
— тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
— кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

— муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
— муаллифнинг паспорти нусхаси;
— иш жойидан тавсиянома;
— муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2015 йилнинг 1 августидан 2016 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намоиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 1 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуг, энг азия» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги,

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси.

Телефонлар: 244-12-61;
244-64-61; 244-11-64.

РЕКЛАМА



Тендерная комиссия АО «Узбекистон темир йуллари»

продлевает срок подачи тендерных документов по тендеру № 1 2016 года

на приобретение магистральных железнодорожных рельсов Р-65 в количестве 5000 тонн до 4 июля 2016 года.

За тендерной документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул.Т.Шевченко, 7, АО «Узбекистон темир йуллари», Управление «Темирйулёнилитамин», Тел:237-94-72, факс:238-84-43.

E-mail:ternh@rambler.ru



РЕКЛАМА

ЗАВОД «KRANTAS»

Производит и реализует под заказ:



- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³. ► Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³. ► Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokrantas.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

Газетанинг навбатдаги сони 21 июнь, сешанба кўни чиқади.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV
Muslihidin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 659
14219
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 20:55
Topshirilgan vaqti — 01:30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 4 5